

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
«АРХИТЕКТУРА ТАРИХИ ВА НАЗАРИЯСИ» кафедраси

“ЎРТА ОСИЁ АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИ” фанидан

РЕФЕРАТ

МАВЗУ “ КИТОБ ВА ШАХРИСАБЗНИНГ МУКАДДАС ЖОЙЛАРИ”

5A340102–Архитектура назарияси ва тарихи архитектура
ёдгорликларини таъмирлаш

Магистрант: Авазов Ш.

Қабул қилди: проф. Пўлатов Х.Ш.

Тошкент -2015

КИТОБ ВА ШАХРИСАБЗНИНГ МУКАДДАС ЖОЙЛАРИ

Худудда маълум бир авлиё ёки шайхлар номи билан боғланган мозорлар кўп учрайди. Улар аҳоли орасида мукаддас саналиб авайлаб сақланади. Мозорлар кўпинча ислом дунёсининг кўзга кўринарли намоёндаларининг номлари билан алоқадордир. Шарқий Қашқадарёда мозорларнинг сони бештага якин. Улар шарқий раёнларнинг турли бурчакларида жойлашган. Мазкур мозорларнинг шаклланиши турли даврларга тугри келади. Китоб-Шахрисабзнинг энг йирик мозорлари XIV асрдан бошлаб шакллана борган. Булар орасида энг йириги Шахрисабз шаҳридаги Доруттиловат ва Доруссиодатдир. Амир Темур ва унинг невараси Мирзо Улугбек фаолияти билан иншоот этилган юқоридаги мозорлар хозирга қадар худуднинг зиёратгоҳлар сифатида машхурдир. Бу ерларда айни пайтда мархумлар дафн этилмайди. Меъморий ёдгорлик дастаси майдонида сунгги урта асрлар махсули саналган қабртошлар учрайди. Уларнинг тарихий чегараси XV-XIX асрларга мувофиқ келади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мозорда XIX асргача булган шахсларни дафн этиш мавжуд булган. Доруттиловат меъморий -ёдгорлик дастаси XIV-XV асрларда бунёд этилган Кук гумбаз мачити, Шамситдин Кулол ва Гумбазий Сайидон мозорларидан ташкил топган. Меъморий ёдгорлик дастаси майдони 500 х 500 метр булиб, у туртбурчак шаклида, шаҳарнинг бошқа қисмларга нисбатан у 2,25 метр баландликда туради. Доруттиловат Шахрисабз шаҳрининг жануби-шарқий қисмида, шаҳарнинг марказий йулларидан бирининг ёқасида жойлашган.

Доруттиловат меъморий - ёдгорлик дастаси худдида кейинги вақтларда олиб борилган археологик қузатиш ишлари натижасида унинг шаклланиши XI-XII асрларга бориб тақалиши аниқланди. Бу вақтда Марказий Осиёда ҳумронлик қилган Қорахоний ҳукмдорлар томонидан Шахрисабзда жомеъ масжиди иншоот этилган. Масжид билан бир вақтда худди уша замонда қатор меъморий бинолар қуриш ишлари авж ола

бошлади. Мугуллар томонидан бузиб ташланган иморатлар урнида Амир Темур ташаббуси билан Шамситдин Кулол мозори ва Кук Гумбаз масжиди қад қутарди .

Амир Темурнинг ислом динига эътиқоди қучли бўлганлиги боис, у мусулмон дунёсининг пиру- авлиёларини чуқур ҳурмат қилар ва улар шарафига меъморий иншоотлар қуришга фармон берарди. Уз даврининг етук шахсларидан бири машҳур суфи Шамситдин Кулол ал-Кеши Амир Темурнинг отаси Амир Тарагай баҳодирнинг пири саналарди. 1373-74 йилда Амир Темур шайх Шамситдин Кулолнинг мозори яқинида гумбазли макбара қуришни буюради. Мазкур макбарага у отасининг хоқини олиб қелиб қуйган. Пирнинг оёғи учида ёки яқинида муршид жасаднинг қуйилиши эса табаррук саналган. Ислом тартиб-қоидаларида саводли бўлган соҳибқирон Амир Темур шу удумга ҳурмат юзасидан амалга оширган.

Археологик тадқиқот ишларидан шу нарса равшан бўлдики, Гумбазий Сайидон Мирзо Улугбек даврида қурилган, Кук Гумбаз масжиди эса унинг ташаббуси билан таъмирланиб қайта тикланган . Шу тарзда Мирзо Улугбек бобоси ниятисига етқиза олмаган Кук Гумбазни таъмирлаш ишини ниятисига етқизиб, Довуттиловат меъморий ёдгорлик дастасини вужудга келтиришга муваффақ бўлди.

Сунгги тадқиқот ишларидан Шамситдин Кулол мозори аслида Амир Тарагай макбараси бўлиб чиқди. Амир Тарагайнинг пири саналган Шамситдин Кулолнинг қабри эса Амир Темур ўғли Жаҳонгир урнига Ҳазрати Имомда қуйилганлиги тахмин қилинмоқда. Ҳазрати Имомда Шамситдин Кулол яқинида яна бир хилхона учун жой ажратилиб иншоот барпо этилган. Бу ерда соҳибқирон Амир Темур томонидан амирзода Жаҳонгир ва Умаршайх, кейинчалик эса эҳтимол Мироншоҳ ҳам дафн этилган. Соҳибқирон Амир Темурнинг мрамрдан ясалган тобути ҳам Ҳазрати Имомдан топилган.

Доруттиловатда дафн этилган тарихий шахсларнинг макбаралари хакида, уларнинг кабрлари аслида каерда урнашганлиги хусусида янада аниқроқ маълумот олишда бу ердаги кабртош ёзувлари далил булиши керак. Бирок уша шахслар хаммасининг хам маркад тошлари топилган эмас. Тугридан-тугри уша меъморий обидаларга алоқаси бор эпитафиялар Гумбази Сайидон ичида жойлашган.

М. Е. Массон Доруттиловатда кузатув ишларини олиб борганда, эпитафияларга хам уз диққатини қаратган эди. Унинг фикрича, бу ерда XV асрга оид кабртошларнинг сони куп булиб, улар кейинги юз йилликларда узгартирилган. XVI ва XVII асрларга келиб маркаддаги ёзувларнинг тарих битилган қисмлари синдирилиб урнига сифатсиз бошқа ёзувлар туширилган.

Доруттиловатдан шарқ тарафда Хазрати Имом Доруссиодат номи билан аталувчи яна бир меъморий ёдгорлик дастаси мавжуд булиб, бу ерда биноларнинг вужудга келиши хам соҳибқирон Амир Темур номи билан алоқадордир. Хазрат Имом макбараси, унга шимол томондан туташ катта мазкур комплексининг асосини ташкил этади. Хазрати Имом макбарасининг асос қисми квадрат, усти эса конуссимон гумбаздан ташкил топган. Хазрати Имомдан шарқ томонда 40 м масофада Амир Темурнинг тош тобути топилган булиб, унинг ичи бум-бушлиги кузатилган. Тош тобутнинг улчамлари 2,5х1,4х0,73 м булиб у мусулмон шаркидаги энг улуг хилхона (склеп)да жойлашганлиги археология ишлари оқибатида маълум булди.

Доруссиодат ховлисида сангихорадан тайёрланган сунгги урта асрларга оид ёзуви сифатсиз ва қуримсиз бир нечта маркад тошлар жойлашган. Хазрати Имом макбараси томон ва ховлига чиқиладиган эшик яқинида деворлар ёнида бир нечта оқ мрамрдан ясалган ва ёзуви бор кабртошлар қуйилган. Уларнинг қарийб 90 фоизи дефект ҳолатида. Мазкур эпитафияларнинг қимга мансублиги аниқланмаган.

XV асрга мансуб кабртошлар Хазрати Имом меъморий - ёдгорлик дастасида катта микдорда булганлиги уша давр ёзма манбалари, шунингдек, археология тадқиқот ишлари натижасида аниқланган.

Кейинги юз йилликларда Мовароуннахр заминида юз берган сиёсий вазият, бир сулола урнига бошқа бир сулоланинг келиши билан кабртошлар синдирилган ёки бошқа жойларга ташиб кетилган. Уларнинг айримлари эса қайтадан фойдаланилган. Мармар тошларнинг сержило нақшларга бойлиги ва сифатли ёзувларга эгаллиги уша даврда бошқа шахсларнинг уни ташиб кетиб, буюртма олиб қайтадан китобалар тушириш йули билан сотиб фойдаланганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Амир Темур хилхонаси атрофида, хилхона ва макбара орасидаги майдонда олиб борилган казиш жараёнида мазкур ерда кабрстон булганлиги маълум бўлди.

Шахрисабзда Доруттиловат, Доруссиодат сингари меъморий-ёдгорлик дасталарининг шаклланиши бу Кешлик суфий Шамситдин Кулол, унинг муриди Амир Тарагай Баходир, Амир Темурнинг тунгич угли Жахонгир Мирзо, шунингдек, Термиз саййиди Абул Маоли ва унинг авлодлари қабрлари мавжудлиги билан боғлиқ.

Даставвал Доруттиловат ва Доруссиодат жойлашган ерда Шамситдин Кулолнинг мазори булган. Маълумки, 1360 йилда амир Тарагай вафот этади ва унинг жасади отаси, биродари ва бошқа қонқариндошлари қумилган ерга яқин жойда дафн этилган. 1374 йилда соҳибқирон Амир Темур шайх Шамситдин Кулол мазори яқинида, жомеъ масжиди томонида қуббли макбара бунёд этишга фармон беради. Худди шу макбарага отаси амир Тарагайнинг хоки олиб келтирилиб қуйилган. Амир Тарагай мазори бу гүмбази Сайидонга туташ булган макбара деб тахмин қилинапти.

1375 (777 хижрий) йилда Самарқандда қасалликка қалиниб оламдан утган Жахонгир Мирзо шарафига Кешда муъжаз макбарот қурилиб, унинг жасади бу ерга олиб келинган. 1395 (796 хижрий) йили эса қурд

калъаси камалида халок булган Умаршайх Мирзонинг хам жасади Шероздан уз ота юртига келтирилган.

Шарафитдин Али Яздийнинг маълум килишича сохибкирон Амир Темур уз отаси амир Тарагай жасади куйилган жойда иншоот этган макбара шайх Шамситдин кулолнинг мазоридан кибла тарафда жануб ва жанубий-гарбда жойлашган. Шамситдин Кулол мазори жойлашган ерда эса кейинчалик Жахонгир Мирзо шарафига чиройли макбара курилган. Бу Хазрати Имом номи билан аталувчи ёдгорликдир. Жахонгир Мирзо жасади куйилган мазор ва макбарада Амир Темур узи учун хам хилхона барпо эттирган. Археологик тадқиқотлар шайх Шамситдин Кулол, Жахонгир Мирзо, Умаршайх макбаралари ёнма-ён жойлашганлиги, улар яқинида Амир Темурнинг узига ажратган макбара жойи борлигини курсатади.

Доруттиловат меъморий-ёдгорлик дастасидаги Гумбази Сайидон мазори Кук Гумбаз маҷити рупарасида жойлашган булиб, бу мукаддас ерда Термиз саййидларининг вакили Абул Маоли уз биродари Али Акбар билан биргаликда Саййид Барака иштирокида 1370 йилда Амир Темурнинг Маворауннахр тахтига чиқишида иштирок этишган. Абул Маоли Амир Темур давлатининг сунгги кунларига қадар таъсирли шахс сифатида қолган эди. Бирок, 1371 йилги воқеаларга назар ташламоқчи бўлсак, унда Амир Темурга қарши бир нечта амирлар фитна уюштирганларида улар билан бир қаторда Абул Маоли Термизий, Абул Лайс Самарқандий сингари дин пешволари ҳам иштирок этганлигини қурамыз. Сохибкирон Амир Темур фитна иштирокчиларини жазолаган. У саййид Абул Маолини уз давлатидан қувгин қилади. Абул Лайсни эса Маккага боришига рухсат беради. Аммо тез фурсатда Абул Маоли кечирилган ва Амир Темурнинг Хоразмга юришида иштирок этган. Шу вақтдан эътиборан Термиз саййидлари Амир Темурнинг содик ихлосмандлари сифатида қоладилар.

Гумбази Сайидон макбараси Мирзо Улугбек томонидан 1437 йилда

куриб битказилган. Макбарада 4 кабртош жойлашган. Улардан энг йириги ва ёзуви сакланиб колгани бу Абул Маолининг узига тегишли кабртошдир. Кабртошнинг кундаланг томонида Термиз сайидининг вакили вафо этган тарихий сана битилган.Эпитафия сиртидаги ёзувга караганда Абул Маоли хижрий 809 йилда, яъни 1407 йилда казо килган. Шундан кейингина бу ерда мазкур макбара куришга қарор килинган. Мозор ва унинг устида имор барпо этилиши сайидларни ҳурмат килувчи ва уларни кадрловчи Мирзо Улугбек томонидан амалга оширилган.

Мирзо Улугбек Термиз сайидлари учун мазкур макбарани иншоот эттирганидан сунг унда Гумбази Сайидонни «Авлоди муборак» номли макбара деб номланган. Бу хусусда Гумбази Сайидон ичидаги ёзувлар далолат беради. Авлоди муборак атамаси макбарада Термиз сайидлари, кузга куринарли диндорлар катламига мансуб шахсларнинг бу ерда дафн этилганлигига ишорат қилади. Сайид бу пайгамбаримиз Мухаммад р.с.а.в.нинг авлодларига нисбатан берилган атамадир. Гумбази Сайидон номи ҳам бекорга берилмаган . Чунки макбарада асосан Термиз сайиди Абул Маоли ва унинг биродари ҳамда кариндошлари дафн этилган. Гумбази Сайидон билан Авлоди муборак мохиятан бир-бирига якин туради. Гумбази Сайидондаги кабртошларда «Султон саодат» сузи ҳам ишлатилган булиб, у сайидлар султони деган маънони англатади. Абул Маоли кабртошида мазкур жумлани учратиш мумкин. Амир Темурнинг невараси Мирзо Улугбек ҳам бобоси, шунингдек, отаси Шохрух Мирзо сингари диндорларни иззат-икром ва ҳурмат килган, шу боис у уз қурдирган гумбазли иморатга «Авлоди Муборак» номи берган.

Соҳибқирон Амир Темур учун ҳозирги Доруттиловат ва Доруссиодат асосий зиёратгоҳ жой булган. Оғир юришлардан қайтган соҳибқирон уз пойтахти Самарқандга боришдан илгари Кешда тухтаб , бу ерда отаси, Шайх Шамситдин Кулол кейинрок эса угли Жаҳонгир Мирзони ҳам мозорларини зиёрат қилар эди. Умуман олганда

темурийларда шай-ху авлиёлар, дарвешлар ва барча табаррук зотларни зиёрат килиш расми кенг тарқалган бўлган. Фосих Аҳмад Хавофийнинг маълумотига қараганда ислом динининг чуқур ихлосманди темурий шахзода Шохрух Мирзо 1412 йилнинг 22 феввалида, душанба куни Муқаддас Машҳадга бориб саккизинчи имом Али ибн Мусо ар-Ризонинг макбарасини зиёрат қилганлиги қайд этилади.

Шахрисабз шаҳрининг жанубий чеккасида, Шахрисабз-Денов йулидан тахминан 500метрлар шарқ тарафда, текис жойда қарийб 3-3.5 гектар майдонни эгаллаб турган қабристон бор. Қабристон Чугмозорота номида аталиб, унинг жанубий-шарқий тарафида айвони ва эшиги ғарб тарафга қараган кичик, XIX-XX асрга хос иморат мавжуд. Иморатнинг ичида шимол-жануб йуналишида урта асрга хос йирик сағана қуйилган. Сағананинг юзаси ганч билан сувалган бўлиб, унинг дунг қисми ва устида кичик улчамда қабртош жойлаштирилган. Қабртошда марсиялар битилган, бироқ бирор шахснинг исми қитобат этилмаган. Макбарадан ташқарида, ундан 1-2 м масофада, шимол томонида қуқимтир қора тусли санғихорадан тайёрланган сандиқ қабртош жойлашган. Унда битиглар қитобат этилган. Чугмозорота мазорининг тарихи мана шу эпитафия билан боғлиқ бўлса керак. Қабртошнинг соҳиби Абуқа деган шахс бўлиб, у 1449 йилнинг рамазон ойида вафот этган. Абуканинг отаси амир Сулаймон ал-Мирохур бўлиб, у ҳақда XV аср тарихий манбаларида маълумотлар берилган.

Шахрисабз туманининг шимолий-ғарбида, Чирокчи районига яқин жойда, Оқ сув дарёсининг унғ қирғоғида жойлашган Қалон шайх қабристони аслида илғари вақтда бу ерда қуқилган Қалон шайх мазори билан алоқадордир. Бироқ Қалон шайх макбарасидан ном-нишон қолмаган. Қалон шайхга қуйилган сағана совет тузуми даврида бузиб юборилган. Маҳаллий аҳоли орасида Қалон шайх ҳақида турли ривоятлар тарқалган. Қалон шайх мазори атрофида қуют, уйқувут, сарой, қатагон синғари уруғ вақиллари дафн этилган. У мазқур уруғларнинг пири саналган. Юқорида қайд этилган уруғ-аймоқлар

Чирокчи райони худудида ҳозирги вақтда ҳам истикомат килишади. Калон шайх кабристонидаги кичик эпли трапеция шаклли сангихорадан тайёрланган кабртошлар асосан XIX-XX асрларга мансуб. Бирок Калон шайхнинг кабртоши йук. Шу боис бу шайх хакида бизда аник маълумотлар йук.

Киём шайх мазори Калон шайхдан 3-3,5 км ғарб тарафда жойлашган булиб, у ҳам Оксувдарёнинг унг киргогида, аммо баланд тепалик устида мавжуддир. Киём шайх мазори тепалиги икки қисмдан иборат. Унинг шимолий- ғарбий томонидаги баландрок тепалик доирасимон шаклга эга. Унинг ер сатҳидан баландлиги 7-10 метрга тугри келади. У купрок куҳандизни эслатади. Тепаликнинг иккинчи, яъни баландлиги ер сатҳидан 4-6 метрга баравар қисми баланд доирасимон шаклли тепаликка жанубий-шарк ва жануб томондан туташ холда туради. У тугри тurtбурчак шаклига эга булиб, жануб томони дарё киргогига туташдир. Ёдгорликда унинг кенг майдони тугри бурчакли қисмида ҳонако иншооти мавжуд. Иншоот тугри тurtбурчак шаклида булиб, ғарб тарафида торгина айвони ҳам бор. Айвон томондан ҳонакога кириш эшиги жойлашган. Ҳонако урта асрларда қурилган булиб, унинг қурилиши ҳозиргисидан фарқ қилганлигини эҳтимол қилиш мумкин. Чунки маҳкур иморат XIX-XX аср биноларига ухшаб кетади, аммо урта асрларга хос квадрат шаклли гиштиобидон қайта бунёд этилган. Таҳмин қилиш мумкин, меъморий ёдгорлик қачонлардир бузилиб кетган ҳонако урнида қайтадан барпо қилинган. Ҳонако ичида учта катта ҳажмли сандик кабртош мавжуд. Шулар сабабли у мазор ёки макбарага айланган. Кабртош соҳиблари орасидан энг қузга қурилгани ёхуд пир даражасига қутарилгани вафотидан сунг шу жойда дафн этилган. Қолганлари эса унинг яқин қишлоқлари ёки муридлари булиши мумкин. Ҳонако ичидаги учта кабртошдан факат биттасида шайхнинг исм-шарифи маълум бўлди. У ишқия суфийлик тариқатининг вақили Або Бакр шайх ишқиядир. Або Бакр шайх XVII асрда яшаб

утган. У Киёмитдин шайх ишқиянинг авлоди саналади. Киёмитдин шайх ишқия тариқатини мана шу ҳудуддан туриб тарғиб қилган. Шу боис мазкур қишлоқ ҳам юқорида номи зикр этилган шайх билан алоқадор ҳолда Киём шайх деб аталади. Киёмитдин шайх ҳақида айрим манбаларда узук-юлук маълумотлар бор. Хонақоё мазор атрофида бир нечта сандиқ шаклли қабртошлар жойлашган бўлиб, уларнинг қўчилиги XVII асрга дахлдор. Тошларнинг анчасида қабр соҳибининг исм-шарифи билан бир қаторда Киёмитдин шайх ишқия деган номни ҳам учратиш мумкин.

Маҳаллий халқ орасида Киёмитдин шайх ҳақида турли ривожлар бор. Киёмитдин шайхнинг Қалон шайх, Дониёл шайх каби шайхлар билан оға-иничилиги ҳақида маълумотлар бор. Киёмитдин шайх ва у мансуб бўлган ишқия сулуғи Қашқадарё вилоятининг шарқий районларида, асосан тоғ ва тоғ олди минтақаларида кенг тарқалган суфийлик оқими бўлиб, у Чирокчи районида қарашли Эски Лангар ва Қамашига тегишли Қатта Лангар ишқия суфийлик марказлари билан қамбарчас боғланган.

Қеш ва унинг атрофида жойлашган туманларда ҳам мавжуд мазорлар бу ҳудуднинг урта асрлар тарихига ҳам маълум даражада маълумотлар берилади. Жумладан, Яққабғоғ районида тегишли Қўқтош ота мазори ва ундаги ёдғорликлар бу ернинг тарихини урганиш учун қўвоҳликлар бериувчи ёдғорликларга эгадир. Қўқтош ота мазорининг жойлашган урни нотеқис, ранг-баранг рельефлардан иборат. Унинг майдони тахминан 6-7 гектарни ташқил этади. Қабристоннинг шимолий қисмида, Яққабғоғ қосёлқасига яқин жойда тепалиқ мавжуд бўлиб, унинг баландлиги ер сатҳидан қарийб 9-10 метрга тенг қелади. Бу ерда турли шаклдаги қабртошлар, шунингдек квадрат қиштлардан қўрилган қағаналарнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Бу ердаги сандиксимон қабртошлардан фарқли яғона қонасимон (стелла) қабртош ҳам тикка

холда туради. Кабртошларнинг анчаси мазкур тепаликдан жанубда тахминан 250-300 метр узокда ясси тепалик устида хар жойда жойлашган.

Куктош ота мазорининг шу номда юритилишига сабаб , баланд тепалик устидаги понасимон кабртошнинг жойлашганлигидадир. Понасимон тош (стела) кукимтир окиш стеладан ясалган булиб, теварак-атрофда яшовчи кишилар уни мукаддас билишади, шифо берувчи маъдан сифатида кабул килишади. Шу сабабли у асраб-авайлаб сакланади ва кукимтир рангда булганлиги учун уни Куктош ота деб номлашади. Аслида мазкур ёдгорлик Аштархонийлар давлатининг хонларидан бири Нодир Мухаммад баходирхоннинг кизи Сафия бонухоним кабри устига куйилгандир. Кабртошдан мазкур маликанинг вафот санаси китобат этилган.

Кабристонда сунгги урта асрлар даврига оид турли кабртошлар мавжуд. Улардаги маълумотлар мазкур районнинг тарихига оид янги далиллар беради. Ёнг кизиги шундаки , юкорида номи зикр этилган Сафия бонухоним бинт Нодир Мухаммадхондан ташкари бу ерда шу хонадонга мансуб Бахром султон хам дафн этилган. Унга аталган кабртош мазорнинг жанубида жойлашган.

Кеш вилоятининг шуҳрат козонган ёдгорликларидан бири саналган Хожа Илгор мазори хам Яккабоғ райони ҳудудидир. Мазор ҳудди шу номдаги кишлоқдан гарб тарафдadir. Мазор ҳудудида тепалик мавжуд ва унинг устида хам теварак -атрофида ҳозирги вақтда хам жасадлар куйилди. Кабристон тепалик билан бирга тугри бурчакли тарихга эгадир. Кабристондан гарб тарафда Совукбулок кишлоғи тутшиб кетган. Кабристоннинг шаркий кисмида, тепаликнинг ёнида кичик улчамдаги турт кабртош жойлашган. Кабртош ёнида мусулмон мазорларига хос узун ходалар ва уларнинг учида ок матолар куйилган. Бу Хожа Илгор мазорининг асосий сизиниш ёҳуд мукаддас кадам жойидир. Хожа Илгордаги кабртошлар маълумотларига эътибор берсак, унда мазкур кабристонда асосан хожалар катламига мансуб шахслар куйилганлигига

гувоҳ булиш мумкин. Бу ердаги кабртошлардан бирида Хожа Мухаммад Шариф ибн Хожа Косим исми китобат этилган. Хожа Мухаммад Шариф хижрий 963 йилда, яъни 1556 йилда казо қилган. Бошқа бири эса аёл киши Мох бикага қуйилган тош бўлиб, унинг вафоти ҳам XV асрга тугри келади. Мох биканинг отаси Боймур Урдубек . Боймур Урдубекнинг қабри Шахрисабздаги Гумбази Сайидонда жойлашган . Хожа Илгор мазорида асосан хожалар , жамиятнинг юқори қатламига мансуб шахслар дафн этилган.

Чирокчи, Шахрисабз ва Яккабоғ туманларининг чегараси бири-бирига туташган жойда Тезоб қишлоғи бор. Тезоб қишлоғида мазор жойлашган бўлиб, ундан шимолроқда Тезоб дарё оқиб ўтади. Мазор ўртасида ҳонақо бўлиб, унинг ичида XVII асрга мансуб икки қабртош қуйилган қабртошлар сандиқ шаклида ва қиёмшайх ҳонақосидаги эпитафияларни эса туширади. Тезоб ҳонақоси ва маҷити ҳақида тадқиқотчилар томонидан маълумотлар берилган.

Қитоб тумани марказидан шарқ тарафда Қеш вилоятида маълум ва машҳур Ҳужа Имқонағи ёки Хожа Илимқон мазори жойлашган бўлиб, у Навоий қолхозига қарашли. Мазор йирик меъморий - ёдғорлик дастасидан иборат бўлган.

Хожа Илмқон номи аслида Хожа Имқонағи деган исмдан олинган. Тадқиқотчи Б.Бобожонов бу ҳақда анча етарли маълумотлар баён этган. Хожа Имқонағи ўз даврининг машҳур суфийлардан бўлиб, нақшбандийлик тариқатининг йирик Мавлоно Ёқуб Чархийнинг муриди Мухаммад Дарвеш Вахшуворийнинг ўғли ҳамда шогирдидир. Хожа Имқонағи аштархоний ҳукмдорлар орасидаги сиёсий қурашларда фаол иштирок этган шахс саналади. Унинг фарзанди ва муриди Абул Косим Хожа Имқонағига қелиб бу ерда ҳонақо қурдирган. Ҳонақо олдида отасига даҳма иншоот эттиради ва отасининг хоқини олиб қелиб жойлаштирган, ҳамда понасимон қабртош ўрнатган. Бу ишларни у 1601-1602 йилларда амалга оширган. Абулқосим Хожа 1621 йилда вафот

этган ва унга ҳам стела қуйилган. 1601-1602 йиллардан бошлаб мавлоно хожа Имконаги хонакоти ва мазори атрофида зиёратгоҳ билан бир қаторда суфийлик тариқати ҳам кейинроқ халқ орасида ҳар хил ривоятлар тарқалиб ёдгорликнинг қурилиши « илмлар қони» лақабини олган қандайдир Хожа Абдубоки фаолияти билан боғланган. Хожа Имкон қабристонидаги тепаликда хонақодан 20 метрдан шарқда, XVI-XVII асрлар учун характерли бўлган, ер устида иншоот этилган ёдгорлик қурилмас-дахма мавжуд. Унда Хожа Имконаги ва Абулқосим хожанинг хоки жойлашган. Устида эса улар шарафига понасимон тош қуйилган.

Дахмалар квадрат асосга эга қата призма шаклини олган. Уларнинг сирти қуланг мармар билан безаб чиқилган. Бундай шаклга эга дахмаларнинг XVI-XIX асрлар учун ҳослиги тадқиқотчилар томонидан текширилиб аниқланган.

Қитоб туманига қарашли яна бир мазор бу ҳазрати Башир бўлган, у шу номдаги қишлоқнинг шимолий-шарқий чеккасида,, баланд тепалик устида жойлашган. Бу ерда 2 та қабртош бўлиб, улардан бирида XV асрда яшаб ўтган Амир Сидининг исми битилган. Унинг ҳазрати Баширга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Қироқчи туманининг шимолий қисмида, Оқтоғ ён бағрида, қиру-адирлар орасида ўрнашган. Эски Қангар мазори шу номдаги қишлоқ ҳудудида жойлашган. Қишлоқ ўртасида Қарафшон тоғларидан, шунингдек тоғ ёёбағридан оқиб қелувчи Қангар дарёси оқиб ўтади.

Мазор қишлоқнинг ўртасидаги тепаликда жойлашган. Тепаликнинг шимол томони баланд ва қенг, жанубий қисми қиялашиб, ўчи қорайиб қетган. Шимол томонда ўртаси очик бўлган икки баланд тепалик устида иккита алоҳида турувчи хонақо мавжуд. Хонақоларнинг ичида қангалар қуйилган. Қарбий хонақо- мақбарада 8 та қанга жойлашган бўлса, шарқий хонақода 4 та қанга мавжуддир. Улар арқасимон қурилишда бўлиб, ҳаммаси оқ қанч билан сувалган. Уларда

кабртошлар йук. Кабртошлар макбара –хонаколарнинг теварак-атрофи ва кабрстон худудида кузатилади. Улар турли даврларга мансуб. Бу ерда XV асрдан XXX асргача 10 дан ошик сандиксимон ҳамда трапеция шаклли кабртошлар кузатилади.

М.Е. Массоннинг ёзишича Кеш вилоятида учта Лангар кишлоги орасида биринчи булиб манна шу кишлок пайдо булган. Бу ердаги мазор ҳам Кеш вилоятидаги кадимий мазор дейиш мумкин.

Камаши туманига карашли Катта Лангарнинг пири-шайх Мухаммад Содик аслида Эски Лангар шайхи Абул Хасан ишкиянинг муриди хисобланади. Лекин кейинги давр тадқиқотлари Кеш вилоятидаги Катта Лангар шайхларнинг келиб чиқишини Самарканддаги Остона ота мазорига олиб бориб такапти. Остонада отада ишкия тарикасининг пири шайх Илёс ал ишкиянинг фарзанди ва вориси саналган Абул Хасан Калон ал-ишкий Кашкадарёга келиб Кук сув кишлоғида узига гушанишин топган.

М. Е. Массон Эски Лангардаги кабртошлар хақида ҳам маълумотлар бериб утди. У кабрстондаги эпитафияларнинг XV-XVI асрдан то XX асрга қадар даврларга мансублигини қайд этиб утади. Кабртошларнинг айримларида битиглар учирлиб китобат этилганлиги академик М. Е. Массон томонидан кузатилган.

М.Е. Массоннинг текширув ишлари Эски лангар кабрстонидаги кабртошларнинг айримлари Кешда XVI асрдан бошлаб ном қозонган тасаввуфнинг ишкия тариқадига қирган шахсларга мансублигини қурсатди.

Эски Лангар аҳолиси орасида узининг узининг келиб чиқиши Абул Хасан шайхга олиб бориб тақувчи кишилар узларини эшонлар деб танитишади. Эшонларнинг фикрича Абул Хасан ишкия аслида Қандахордан келган ва бу жойни узига юрт этган. Улар Эски Лангарга даставвал келиб урнашган киши бу Ҳазрати Увайс деб айтишади. Академик Массон М.Е.нинг маҳаллий аҳолидан йиккан маълумотларида

хам Хазрати Увайс тугрисидаги ривоятлар эшонлар орасида таркалган ривоятга мувофик келади. Маълумотларда Увайснинг юрти Яман эканлиги баён килинади. Хазрати Увайс пайгамбаримизнинг илк саҳобаларида булиб, у киши Увайсийа тариқатига асос солган.

Кабртош битиклари ҳамда халқ орасида кенг таркалган ривоятларни узаро муқояса қилиш ва солиштириш асосида Эски Лангардан Чирокчи тарафга Калон шайх, Дониёр шайх, Мирим шайх ва Киём шайхлар қучиб кетишиб, узларига турли жойлардан макон топишган. Уларнинг ҳаммаси Абул Хасаннинг авлодлари ва муридлари саналар экан.

Юқорида зикр этилган иккита мулукининг тош тарғибот марказларидан бири Катта Лангар ота мазори саналиб, у Кухна Кеш вилоятининг зиёратгоҳ масканларидан бири ҳисобланади. Мазкур ёдгорликлар дастаси Хисор тоғининг Томчи тизмасидаги кенг майдонли Ок давон дарасида, Лангар сой дарёсининг унғ қирғоғида, 22 км масофада жойлашган.

Катта Лангар қабристони, маҷит ва бу ердаги мулклар ҳақида дастлабки маълумотларни А. Г. Белявский ёзиб қолдирган.

Катта Лангар ота мазори, энг аввало, шайх Муҳаммад Содик фаолияти билан боғланган. Бу шайх ишқия тасаввуф тариқатининг энг йирик вакили саналади. Муҳаммад Содик XVI асрнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳр ҳукмдорлари ва сиёсий арбоблари уртасидаги сиёсий низоларда фаол таъсир қурсатиб турган. Муҳаммад Содик ҳақида «Музаққри Аҳбоб»да шундай ёзилган: «шайх Муҳаммад Содик зухдда замон яғонаси эди, ёрқин шарият тарихи ва ойдин миллат йулидан ташқарига қадам босмасди. Мақсад сари риояга амал қилиб, уз пойравдор эргашувчиларига бидъат қучаси томон рұхсат бермасди. Муҳаммад Содик ислом дини илмига қаттиқ риоя этар ва Қуръони шарифни тула ёддан билган ҳофиз ҳамда уни қироат этишда энг юқори чуққига эришган шахс булган. Қуръони Қаримни уқишда ҳато қилмас, қироатда


эса уз замонидаги хофизлардан устун турган. Шайх Мухаммад Содик хижрий 952 йилнинг 20 жумоди ас-сани куни окшомида фано оламидан бако оламига рихлат этган. Буни милодийга угирганда 1545 йилнинг 28 августи булиб чикди.

Мухаммад Содикнинг насабномаси куйидагича: Мухаммад Содик ибн Абулхасан шайх бин Илёс шайх Мухаммад бин Худойкули шайх Ишкий. Ишкия тарикатининг илдизи Боязид Бистомийга бориб такалади. Мухаммад Содикнинг отаси Абулхасан 1491 йилда 72 ёшда оламдан утган. Бобоси Илёс шайх эса 1472 йилнинг 16 ноябрида (хижрий 877 йилнинг 20 шаъбонида) казо килган. Илёс шайхнинг отаси шайх Мухаммад 1451 (хижрий 885 йил) йилда вафот этган. Мазкур насл-насаб дарахтининг бошида турувчи Худойкули шайх Ишкийнинг кабри устида ёзувлар булмаганлиги боисидан унинг вафот санаси аник эмас. Насабномадаги учта шахс Худойкули шайх , Мухаммад шайх ва Илёс шайхлар Самарканд вилоятининг Остона ота мазорида дафн этилган. Уларнинг вафот этиш тарихи улар кабри устидаги эпитафиялардан олинган. Абул Хасан шайх, Мухаммад Содик ва унинг угли Абул Хасан кичкина (унинг вафоти 1560 й.) Камаши районидаги Катта Лангарда дафн этганлар.

Мухаммад Содикнинг авлодлари орасида Маъсумхожа хам тилга олинади. Маъсумхожа хушсурат ва сузамол киши булган. Шеър айтишда хам купчиликни лол колдирган. Унинг фикрлари теран ва аник булганлигини замондошлари кайд этишади. Маъсумхожа ёшлик чогидаёк Кешдан Маккага хажга боришга ахд килиб, йул-йулакай Бухорога хам ташриф буюрган. Бу ерда у узининг хуш хулки билан купчиликнинг диккатига сазовор булган. Ёшлик чогининг айни гуллаган даврида Муаззама Макка водийсида хаёт билан видолашган.

Камаши туманига карашли Углонжон ота мазори Араб кишлок якинидаги Пасттол кишлоги худудида жойлашган. Мозор Кизилтепа марказидан шимоли-шаркда, Катта Лангарга бориш йулига якин жойда

туради. Мозорнинг эгаллаб турган майдони 1-2 гектар атрофида. Макбарадан шимоли-шарк томонда 2 дона кабртош мавжуд. Улардан бирида XV асрда вафот этган Амир Абу Саъиднинг исми битилган.



Шахрисабз шаҳрининг ситуация плани